Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 14 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (13.456)

Баҳоси эркин нархда

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БАРЧА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Шу йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир, Судьялар олий кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, вилоят, туман ва шаҳар судлари судьялари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, фахрийлар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келгани, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Куч – адолатда" деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришганини қайд этиб, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолаётганини таъкидлади. Бу борада давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта. Бу ҳақиқатни биз бугунги кунда, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида тобора чуқур ҳис этмоқдамиз, деди Президентимиз.

Йиғилишда истиқлол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва нуфузини ошириш, уни илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Бу борада ҳали ўз ечимини топмаган камчилик ва муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, муҳим амалий хулосалар чиқарилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Конституциямизнинг 7 моддасига суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлиқ принципиал ўзгартишлар киритилгани, судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг янги органи – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани бу йўналишдаги ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганининг тасдиғи сифатида эътироф этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов соҳасида ягона олий органи сифатида давр талаблари асосида янгидан шакллантирилгани, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолат – судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётига чек қўйилгани тизим ривожи йўлида муҳим қадам бўлгани қайд этилди.

Айни пайтда қўлга киритилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, соҳа ривожига танқидий ёндашиш, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган бири-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни самарали ҳал қилиш йўллари ва механизмлари ҳақида билдирилган аниқ таклифлар, амалий ташаббуслар асосида суд идоралари, судьялар фаолиятини бутунлай янгича асосда, самарали ташкил этиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига бўлаётган мурожаатларнинг катта қисми айнан суд идоралари ва судьялар фаолияти билан боғлиқ экани бу йўналишда кўплаб муаммолар мавжудлигидан далолат беради, деди давлатимиз раҳбари.

Суд тизимида адолат тамойилларига нечоғли риоя қилинаётгани ҳақида атрофлича тўхталб ўтилди.

Асосий мақсадимиз, деди Шавкат Мирзиёев, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода "Адолат қўрғони"га айлантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу маънода ўз соҳасини яхши билмайдиган, пухта касб ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак.

Йиғилишда адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар экани, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Айнан маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли айрим судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир этиш, нопоклик, таъмагирлик, одамларнинг дарду ташвишларига лоқайд қараш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб келаётгани қаттиқ танқид қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг собиқ раҳбарлари айнан ана шундай ўта муҳим масалаларга вақтида эътибор қаратмагани туфайли соҳада жиддий камчилик ва муаммолар вужудга келгани афсусланарли ҳолат экани таъкидланди. Олий суднинг янги раҳбарлари олдига бундай камчилик ва муаммоларни тезлик билан бартараф этиш, суд органлари ва судьялар фаолиятини қонун ва адолат талаблари асосида самарали ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Айниқса, фуқароларнинг суд идораларида сарсон-саргардон бўлишининг олдини олиш, ишларни ўз вақтида кўрмасдан, одамларни овора қилган суд ходимларига муносиб баҳо бериш зарурлиги қатъий таъкидланди. Шу мақсадда илгари сурилган муҳим бир фикр – ҳар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очиқ мулоқотлар ташкил этиш ҳақидаги таклиф иштирокчилар томонидан тўлиқ маъқулланди.

Судья лавозимида фаолият кўрсатаётган суд ходимлари ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот бериши билан боғлиқ амалиётни йўлга қўйиш вақти келгани қайд этилди. Бундан буён судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, халқнинг ўзи баҳо беради, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Президентимиз томонидан бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ихтисослашган ўқув муассасаси – Одил судлов академиясини ташкил этиш ҳақида билдирилган таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Тадбирда яна бир муҳим таклиф – халқ олдида обрў-эътибор қозонган судьяларнинг ҳаёт йўли, одил судловни амалга оширишдаги ижобий тажрибаларини оммалаштириш учун "Судьялар клуби" ва "Суд ҳимоясида" рукнлари остида марказий телеканаллар ва газеталарда мунтазам равишда туркум кўрсатув ва мақолалар эълон қилиб бориш ҳақида амалий фикр илгари сурилди ва йиғилиш иштирокчилари томонидан маъқулланди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бу борадаги ишларни маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларида кўриш кўламини кенгайтириш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан, электрон суд стенографияси, видеоконференцалоқани кенг жорий этиш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминловчи идоралараро электрон маълумот алмашиш тизимини шакллантириш, одил судловни амалга ошириш жараёнини доимий ўрганиб, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, уларнинг ҳар бири бўйича аниқ тавсия ва амалий кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик бугунги кунда давлат бошқаруви органларида фаолият кўрсатаётган барча инсонлар қатори судьялар фаолиятининг ҳам кундалик қоидаси бўлиб қолиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан суд органлари ходимлари, давлат бошқаруви идоралари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ривожи йўлида кўрсатилаётган алоҳида эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, бугунги йиғилишда ҳар томонлама чуқур асослаб берилган долзарб вазифаларни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамжиҳатликда, самарали иш олиб бориш ва белгиланган мақсадларга эришиш Ўзбекистон судьялар ҳамжамияти, суд-ҳуқуқ тизимида хизмат қилаётган барча ходимларнинг ғоят масъулиятли ва шарафли вазифаси эканини таъкидлади.

ЎзА



МУТАХАССИСЛАР БИЛИМИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг турли касбларни пухта ўзлаштириши учун барча шароит яратилган. Айниқса, уларнинг спорт, илм-фан, касб-ҳунарга қизиқишларини ошириш мақсадида ўтказилаётган турли тадбир ва кўрик-танловлар ўз самарасини бераётир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга ташкил этаётган "Энг яхши ёш ишчи касб эгаси" танлови ҳам ўсиб келаётган авлоднинг ишчи касбларга бўлган ҳурмати, касб сир-синоатини эгаллашга бўлган иштиёқи ўсишига хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда "Энг яхши ёш ишчи касб эгаси" танлови мамлакат босқичининг "Пайвандлаш ишлари (механик) техниги", "Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича механик" номинацияларидан бўйича ғолиблари аниқланди.

Танловда "Пайвандлаш ишлари (механик) техниги", "Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича механик" номинацияларидан бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 28 нафар ўғил-қиз қатнашди.

"Пайвандлаш ишлари (механик) техниги" номинациясида Хоразм вилояти Янгиариқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Хурсандбек Вафоев ғолиб деб топилди.

– Пайвандлаш ишларига болалигимдан иштиёким баланд, – дейди Х.Вафоев. – Турли металларга ишлов бериш, темир бўлакларидан бежирим буюмлар, уй-рўзғорда ишлатиладиган анжомлар, қурилиш жиҳозларини ясаш мен учун мароқли. Қолаверса, юртимизда мазкур ҳунар эгаларига эҳтиёж катта. Шу боис касб сирларини қунт билан ўзлаштирдим. Мазкур танлов таълим муассасасида олган билимларимни синовдан ўтказишга ва мустаҳкамлашга замин яратди.

"Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича механик" номинацияси бўйича Андижон вилояти вакили, Андижон автотеххизмат корхонаси ишчиси Бобур Обидов биринчи ўринни эгаллади.

– Коллежда олган назарий билимларимни бугунги кунда амалиётда қўлламоқдаман, – дейди Б.Обидов. – Барчага маълум, юртимизда автомобилсозлик саноати жадал ривожланмоқда. Бу жараёнда автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга ҳам талаб ортмоқда. Шу боис мазкур соҳа бўйича янги лойиҳа бошламоқчиман. Бу борада менга ушбу танлов жараёнида эгаллаган билиму кўникмаларим қўл келишига ишонаман.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ ДУНЁ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

Остона шаҳрида давом этаётган ЭКСПО – 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўргазмада 120 дан ортиқ мамлакат технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш қилаётир. Ўзбекистон кўргазмаси барчанинг эътиборини тортмоқда.

EXPO 2017 Future Energy Astana Kazakhstan

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намойиши учун ажратилган бинонинг биринчи қаватидан қиёс. Бу ерда қуёш, шамол ва сув энергияси, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабалари томонидан робототехника йўналишида яратилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Кўпчиликда сув ёрдамида ҳаракатланадиган "Matiz" автомобили катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Тўғри, дунё автомобиль саноати учун сув ёрдамида ҳаракатланадиган машина янгилик эмас. Аммо бошқа мукобилларидан фарқи шундаки, ушбу автомобиль водород сақловчи қутига эга эмас, – дейди "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясининг стратегик режалаштириш бошқармаси бошлиғи Сардор Тожиев. – Унда машинага водород қаердан келади, дейсизми?! Водород автомобиль ҳаракатланаётган чоғда ишлаб чиқарилади. Катализатор орқали водород ва кислород иккига ажралади. Водород кичкина бакда йиғиб борилади ва керакли миқдорда ички ёниш двигателига етказиб берилади. Натижада ҳаракатланаётган автомобиль 40 фоиз ёнилғи тежайди. Атмосферага чиқарилаётган зарарли газ миқдори 80 фоиз камаяди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида бўлиб, ҳудудни ривожлантириш борасидаги энг муҳим вазифалар ижроси билан танишди, халқ билан мулоқот ўтказди.

• Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" шиори остида "XXI аср аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танлов низомига кўра иштирокчилар "Партия – менинг тақдиримда", "Агар мен депутат бўлсам...", "Лойиҳалар танлови" шартлари бўйича ўз билим ва малакасини намойиш этди.

• Урганчда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Иштирокчилар ўз фаолиятида эришаётган ютуқ ва тажрибаларини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тақдим этди.

• Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг Цуруоки шаҳридаги улкан аквариумда медузалар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Бу ерда фан томонидан яхши ўрганилмаган ушбу ноёб жониворларнинг 60 га яқин тури намойиш этилмоқда. Мазкур кўргазмага 2 миллионга яқин табиат шинавандаларининг ташриф буюриши кутилмоқда.

• NASA астронавтлари космик шароитда учинчи катта ёнғин келтириб чиқариш учун Cygnus хусусий космик юк ташувчисини тайёрлади. Агентлик бу каби ёнғинларни ишдан чиққан кемалар бортида амалга оширади. Бундан мақсад – Марс ва бошқа сайёраларга парвоз чоғида келиб чиқиши мумкин бўлган бу каби фавқулодда ҳолатларга тайёргарлик кўришдир.

• Бразилиянинг "Фигейренсе" клуби дарвозабони Фабио Гонсалвес "Боа" (0:2) жамоасига қарши ўйинда майдон марказидан гол ўтказиб юборди. Шарманда бўлган голкипер танаффус пайтида таксида стадионни тарк этган ва қайтиб клуб қароргоҳига келмаган. Ушбу ҳолатдан сўнг "Фигейренсе" клуби раҳбарияти дарҳол 38 ёшли дарвозабон билан ўртадаги келишувни бекор қилди.

Ўзбекистон – умумий уйимиз

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА ҚУТ-БАРАКА, РИВОЖЛАНИШ БЎЛАДИ

Жўшқин куй-қўшиқлар авжида. "Андижон полькаси"га рақс тушаётган йигитларнинг грек миллатига мансублиги, "Тановар"ни куйлаган хонанда корейс қизи, "Дилхирож"ни ижро этаётган раққосалар немис қизлари эканини томошабинлар диктор эълонидан кейингина англади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кўча-кўйда, маҳаллада, меҳнат жамоаларида юрт-дошларимизнинг қайси миллат вакили экани, қайси динга эътиқод қилиши ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Бунинг сабаби оддий. Жонажон Ўзбекистонимизда яшаётган барча фуқаролар миллати, эътиқодидан қатъи назар, ўз ҳаёти, тақдири, эртанги куни, оиласининг тотув ва фаровонлигини, фарзандлари истиқболи ва камолотини шу азиз замин, унинг тараққиёти билан чамбарчас боғлаган.

Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган мамлакатимизда асрлар мобайнида турли миллатлар вакиллари аҳиллиқда яшаб келган. Меҳридарё халқимизнинг самимият, бағрикенглик, оғир дамларда меҳр-мурувват ва саховат кўрсатишдек фазилатлари етти иқлимга машҳур.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаш йўлида олиб борилган одилона сиёсат жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати жаҳон миқёсида ўрнак олишга арзигулик намуна сифатида юксак эътироф этилмоқда.

Бу муқаддас заминда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун яқиндан кўмаклашишга оид эзгу саъй-ҳаракатлар миллий маданий марказлар фаолиятининг самарали йўлга қўйилгани, зарур шароитлар яратилганида намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони турли миллатлар ўртасидаги аҳиллик, меҳр-оқибат туйғуларини янада мустаҳкамлаш, миллий маданият марказлари фаолиятини замон руҳига монанд йўлга қўйиш, уларнинг самарали ишлаши учун кўпроқ имконият яратишда янги босқични бошлаб берди.

– Марказимиз 23 йилдан бери самарали фаолият кўрсатмоқда, – дейди мамлакатимиздаги рус миллий маданият маркази раҳбари Александр Аристов. – Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш борасидаги сиёсат қайси миллат вакили эканидан қатъи назар, барча фуқароларни шу диёрга меҳр қўйиш, эмин-эркин яшаб, оиласи, фарзандлари иқболини кўришига мустаҳкам замин яратмоқда. Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Фавворалар сайли, улуғ шоирларимиз Алишер Навоий, Александр Пушкин таваллуд кунларини биргаликда нишонлаб келмоқдамиз. Президентимизнинг яқинда эълон қилган фармони бизни ғоят руҳлантирди.

– Диёримизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўзлиги, маданияти, анъана ва қадриятларини ривожлантириш учун зарур имконият ва шароитлар яратилган, – дейди Тошкент шаҳар грек маданияти жамияти раҳбари Евстафий Козмиди. – Мамлакатимизда яратилган ҳамжиҳатлик муҳити самарасида биз ҳам турли байрамлар, кўрик-танловлар, концертлар, анжуманларда фаол қатнашамиз. Бадиий ижодиёт, тил ўрганиш, тасвирий санъат, ашула ва рақс тўгараклари турли миллатларга мансуб ижод намуналарини ўрганиш, пухта ўзлаштириш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони янада кўпроқ фидойилик, фаоллик билан меҳнат қилишга чорлайди.

– Шу табаррук Ватанда туғилиб, улғайдим, – дейди ЎзА мухбирига туркман миллатига мансуб онахон Муҳаббат Дурдиева. – Оилали, олти нафар фарзандли бўлдим. Уларнинг барини уйли-жойли қилдик. Ўзбекистонимиз мактабларида таълим етти тилда, шу жумладан, туркман тилида ҳам олиб борилади. Шу тилларда дарсликлар яратиш, педагоглар тайёрлаш кенг йўлга қўйилгани алоҳида эътиборга молик. Невараларимни кўча-хиёбонларда айлантириб юрарканман, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, аҳиллик, тотувлик энг олий ва бебаҳо неъмат эканига имон келтираман. Буларнинг барчаси доим шукроналик, миннатдорлик туйғуси, турли миллат ва элат вакиллари билан иноқликда яшашга ундайди.

Н.УСМОНОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ ДУНЁ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз ёшларининг робототехника йўналишида эришган ютуқлари акс этган стендлар ҳам кўпчилик эътиборини тортмоқда.

– Ўзбекистон павильонидан ўрин олган "робот конструктор", "робот гид", "сараловчи робот", "робот қўл" сингари робототехника йўналишидаги янгиликлар, замонавий технологиялар менда катта таассурот қолдирди, – дейди "Дунё" газетаси лойиҳа мутахассиси Айфер Илхан (Туркия). – Айниқса, "робот гид" билан қизиқиб қолдим. Унинг хотирасига Ўзбекистондаги тарихий обидалар, музейлардаги экспонатлар ҳақида маълумотлар юкланган. Юз қисмига кўриш камераси ўрнатилган. Муайян тарихий бино ёки экспонатга қаратсангиз бас, ўзингизни қизиқтирган маълумотга эга бўласиз. Булар талабалар томонидан яратилгани таҳсинга сазовор.

Иккинчи қаватда мамлакатимизнинг транспорт ва логистика, туризм соҳалари ҳамда озиқ-овқат, вино ва шарбат тайёрлаш саноатида эришилган ютуқлар, миллий таомларимиз намойиш этилмоқда.

Бугунги кунда дунёда миллионлаб одам тўлиқ овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошдан кечирмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини муайян турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш кунининг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Ўзбекистон павильонидан мамлакатимизда етиштирилган сархил мевалар, полиз экинлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олган.

– Бутунжаҳон кўргазмасида иштирок этиш баробарида дунё саноатида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиб чиқаяпмиз. Хорижлик ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлдик, – дейди "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси бошқарма бошлиғи Баҳодир Юнусов. – Қайта тикланмайдиган энергия ресурсларини тежаш, унинг ўрнига муқобил энергия воситаларини озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига кенг татбиқ этиш, нанотехнологиялардан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш борасида янги технологияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича мамлакатимизда самарали ишлар олиб борилмоқда. Кўргазмада эришган ютуқларимизни намойиш этиш билан бирга хорижлик ҳамкорлар топиш имконига ҳам эга бўлмоқдамиз.

Остона шаҳрида "Келажак энергияси" мавзуида ўтказилаётган ЭКСПО – 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўргазма жорий йилнинг сентябрь ойига қадар давом этади.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА махсус мухбири
Остона – Тошкент



ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРИ

Юртимиз ёшлари турли халқаро танловлар, фан олимпиадалари, ижодий лойиҳаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Юксак интеллектуал салоҳияти билан хорижликларни ҳайратга солаётгани қувонарли. Буюк аждодларига муносиб авлод бўлишга интилишмоқда. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган, ҳар томонлама пухта ўйланган ёшларга оид давлат сиёсати самараси деб айтсак муболаға бўлмайди.

Ёшларнинг хориж мамлакатларида бундай ютуқларни қўлга киритишида мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, ташкил этилаётган танлов ва лойиҳаларнинг ўрни катта. "Стартап-ҳафталиги" танлови ҳам олий ва ўрта таълим ўқув муассасалари битирувчилари инновацион ғояларини амалга оширишда қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Чилонзор туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган танловнинг туман босқичи Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтди.

Танловнинг очилиш маросимида туман ҳокими Даврон Ҳидоятов сўзга чиқиб, лойиҳанинг мақсад ва вазифалари тўғрисида тўхталиб, барча иштирокчиларга омад тилади. Мазкур танловга тумандаги касб-ҳунар коллежларидан 34 нафар, олий таълим муассасаларидан 46 нафар битирувчи ёшлар ўзларининг бизнес ғоя ва лойиҳалари билан иштирок этишди.

Танлов давомида туманда фаолият олиб бораётган ўттиздан ортиқ саноат, тўқимачилик, янги инновацион технология, миллий ҳунармандчилик йўналишларида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки мамлакатимиз иқтисодиётига улушни мақсад қилган ҳолда фаолият олиб бораётган бу тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маҳаллий ва хорижий бозорни эгаллашга улгуришган. Кўргазмадаги маҳсулотлар билан танишган лойиҳа иштирокчилари бириктирилган аудиторияларда ўз бизнес лойиҳаларининг тақдимотларини намойиш этишди. Тақдимотлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари кесимида алоҳида ўтказилди.

Лойиҳа якунларига кўра, фаол иштирок этган битирувчиларга сертификатлар, шу жумладан 32 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларига тумандаги тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатлар тақдим этилди.

Бундан ташқари "Энг яхши инновацион ғоя", "Энг яхши ҳунармандлик йўналишидаги ғоя", "Энг яхши ахборот дастури" каби йўналишларда ҳам ғолиблар аниқланди.

Касб-ҳунар коллежлари ўртасида 1-ўринни Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи битирувчиси Муҳаммад Умаров эгаллаган бўлса, олий таълим муассасалари кесимида 1-ўрин Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Ойбек Фузаиловга насиб этди.

Келажакда юксак марраларни эгаллаш, ўз бизнесларини бошлашни мақсад қилган бу ёшларга омад тилаб қоламиз.

Зиёда РАСУЛОВА

ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлар манфаати қонун билан ҳимояга олинган. Миробод тумани прокуратураси томонидан маҳаллий ҳокимият, назорат органлари ва бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қарорлари, фармойишлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлиги ҳамда назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаларига кўра қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари, шунингдек, молиявий санкцияларнинг қонунийлиги мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Бунда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг аниқ ва сўзсиз бажарилишига ҳамда тадбиркорлик фаолияти ривожига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларга етказилган зарарларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, мансабдор шахслар, маҳаллий ҳокимият, бошқарув органлари, назорат текширув идораларининг масъулиятини оширишга қаратилган қонунлар, ҳуқуқий норматив ҳужжатларнинг аниқ бажарилиши алоҳида назоратга олинган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш, хусусийлаштирилиб фаолият кўрсатмаётган ва кам қувватда ҳамда зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш, жонлантириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида, туман ҳокимлиги ва тегишли мутасадди идоралар раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳар ойда икки марта кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Биргина, жорий йилнинг ўтган даври давомида 200 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида 8 маротаба учрашувлар ўтказилиб, унда улар фаолиятидаги мавжуд муаммолар муҳокама этилиб, уларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муаммоларини тезда ҳал қилиш мақсадида ташкил этилган "Ишонч телефони" рўйхати акс эттирилган плакатлар туман ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар биноларининг кўринарли жойларига ўрнатилиши таъминланди.

Шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра туманда жами рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони 5209 тани ташкил этади, шундан фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 80 тани ташкил қилиб, 28 таси ихтиёрий тугатишга тушган, 25 та корхона раҳбарига нисбатан қонун бузилиш ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Туман прокуратураси томонидан мутасадди идоралар билан олиб борилган учрашувлар ва бошқа амалий ишлар натижасида жорий йилнинг январь ойида фаолият кўрсатмаётган 30 та корхонанинг фаолияти тикланишига эришилди.

Бевосита туман прокуратураси аралашуви билан 12 та корхона давлат рўйхатидан ўтказилиб, натижада 20 та янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга 9 та тадбиркорлик субъектларига 5 млрд. 997 млн. сўм тижорат банкларидан кредит олишда амалий ёрдам берилди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари туман прокуратураси томонидан доимий назоратга олинган.

Улуғбек СОДИҚОВ,
Миробод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ОШКОРАЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси акциядорлик жамияти томонидан электрон давлат харидларининг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш натижалари ҳамда келажакдаги истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, биржа томонидан инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилиши барча савдо платформаларини, шу жумладан, биржада 2011 йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келаётган электрон давлат харидлар тизимини жадал ривожланишига кўмак бермоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини фаол равишда жорий этилиши эвазига сўнгги 6 йил мобайнида биржада давлат харидлари бўйича тузилган битимларнинг ҳажми 4 маротаба ўсиб, 2016 йилда 668 миллиард сўмни ташкил этди.

2011-2016 йилларда бюджет маблағларининг тежалиши эса 7 маротабага кўтарилди. Шу билан бирга, "D-Xarid" электрон тизимида фаол бўлган кичик бизнес субъектларининг сони 5 мингдан 42 мингтагача ошди.

Савдоларнинг ижобий динамикаси жорий йилда ҳам кузатилмоқда. 2017 йилнинг биринчи чорагида электрон давлат харидларининг умумий қиймати 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 28 фоизга ўсиб, 114 миллиард сўмни ташкил этди. Бюджет маблағларининг тежалиши эса 37 фоизга кўтарилди.

Давлат харидлари бўйича электрон аукцион савдоларни биржанинг www.uzex.uz махсус ахборот порталида ўтказилиши бюджет ташкилотлари томонидан товар ва хизматларни харид қилиш жараёнида ошкоралик ва очиқ-ойдинликни таъминлашнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 июлдаги қарорига мувофиқ биржа порталининг очиқ қисмида харидлар тўғрисида эълонлар, уларнинг режа-жадвали, электрон савдо натижалари каби маълумотлар жойлаштирилади. Бу эса давлат харидларнинг ўтказилиши устидан самарали жамоатчилик назоратини олиб борилишини таъминлайди.

Мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида давлат харидлари бўйича шахсий кабинетнинг функционал имкониятлари кенгайтирилди. Амалда электрон буюртмалар шаклларини тўлдириш жараёни енгиллаштирилди. Шунингдек, давлат харидлари бўйича "D-Xarid" янги мобиль иловаси ишлаб чиқилди ва у товар етказиб берувчилар учун электрон савдоларда мобиль ускуналар ёрдамида иштирок этиш имконини бермоқда.

Тадбирда шунингдек, электрон харидларнинг янги усулларини жорий этиш, биржанинг ҳудудий филиалларида мулоқот воситаларини такомиллаштириш каби истиқболдаги режалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги академик лицейда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида математика, физика, информатика, кимё ва биология фанлари бўйича IV илмий-ижодий конференция ўтказилди.

Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор тумани Кенгаши ва мазкур академик лицей ҳамкорлигида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилди.

– Мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий воситалар орасида илм-фан етакчи ўринни эгаллаши барчага маълум, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор тумани Кенгаши раиси Ш.Муҳамедов. – Конференцияни ўтказишдан асосий мақсад – ўқувчиларда илмий салоҳиятни юксалтириш, илмий тадқиқотларга қизиқишларини ошириш, кейинги таълим босқичида илмий ишларни олиб боришдаги малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Шу ўринда айтиш жоизки, конференция математика, физика, информатика, кимё, биология ва экология соҳасидаги долзарб муаммолар, уларнинг жамиятдаги аҳамияти, соҳадаги олимларнинг тадқиқотлари ва улар яратган ихтиролар ҳамда лабораторияда амалиёт бўйича изланишлар асосида тайёрланган илмий ижодий ишлар асосида иш олиб борди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлари томонидан 50 дан ортиқ мақолалар қабул қилинди ва тўплам шаклида чоп этилди. Ўқувчилар томонидан илмийликка асосланган ҳолда бир муаммонинг ечимлари, амалга ошириш механизмлари ҳақида илмий-ижодий мақолалар берилгани билан аҳамиятли.

– Бугунги кунда республикамизда ёшларга жуда катта эътибор қаратилмоқда – дейди Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети 3-курс талабаси Нодиржон Юсуфов. – Ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, билим даражасини ошириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур конференцияда илк бор иштирок этмоқдаман. Машинасозлик йўналишида таълим олганим боис, бу йўналишда "Механиклар гуруҳи" деб номланган гуруҳимиз билан кўпдан бери изланишлар олиб бормоқдамиз. Гуруҳимиз етакчиси Икром Қамбаров билан биргаликда турли инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида турли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Улардан бири "Кимёвий моддаларни сепувчи ярим автомат робот – Agrobot 1.0"дир. Конференцияда ҳам айнан шу лойиҳа билан иштирок этдик. Ушбу лойиҳани амалиётга татбиқ этишдан аввал томорқа ва далалардаги муаммолар ўрганилди. Лойиҳанинг муваффақият даражаси ҳамда долзарблиги чуқур ўрганилиб, бир қатор асосий факторлар лойиҳанинг муҳимлигини тасдиқлади. Шу ўринда айтиш жоизки, лойиҳанинг асосий мақсади ернинг ҳосилдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновацион технологияларни жалб этиш, технологияни узоқдан бошқарилиши имкониятини яратган ҳолда деҳқонларнинг турли зарарли кимёвий моддалар сепиш натижасида юзага келадиган нафас йўли ҳамда тери касалликларига чалинишларининг олдини олишдир. Мазкур лойиҳани жорий йилда бўлиб ўтган X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида намойиш этдик. Фермер ва деҳқонларда катта қизиқиш уйғотди. Шу билан бирга институтимизда ҳар йили ўтказиладиган илмий ҳафталикда қатнашиб, "Энг яхши инновацион лойиҳа" номинациясида 2-ўринни эгалладик.

Бу ёшларга боқиб, илмга чанқоқ ёшларнинг турли йўналишларда олиб борган изланишларини тинглаб туриб, келгусида бу албатта ўз натижасини бериши, не-не буюк аждодларнинг муносиб авлодлари етишиб чиқаётганига амин бўлдик. Тадбир сўнгида диплом ва сертификатлар топширилди.

Гўзал РАСУЛОВА



ЭЛ-ЮРТ ЭЪТИБОРИ – КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги "Ўзбекконцерт" давлат муассасасида "Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир эстрада хонандасининг асосий инсоний фазилатига айланиши лозим" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари М.Ҳожиматов, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси директори вазифасини бажарувчи А.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, санъаткорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни миллий ва жаҳон санъатининг энг яхши намуналари асосида тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, аввало, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 февралдаги "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада дастуруламал бўлмоқда.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнига санъат аҳлининг муносиб ва фаол иштироки, янги куй-қўшиқларнинг асрий анъаналаримиз ва миллий менталитетимиз руҳига мослигини таъминлаш, ёш хонандалар фаолиятига "оммавий маданият" таъсирининг олдини олиш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди. Соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммолар ечимлари хусусида фикрлашилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Мамлакатимизда оилалар фаровонлиги, тинчлиги, қўни-қўшничилик, қариндош-уруғлик муносабатлари ривожига бутун жамоатчиликнинг имкониятини сафарбар этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки оилалар ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзи ва маънавий муҳитни шакллантиришда маҳалла фаолларининг таъсири, ўрни, иштироки муҳимдир.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА АСОСИЙ ОМИЛ

Албатта, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганмай туриб одамларнинг фикрларини эшитмай туриб, муаммоларни ўз вақти, жойида ҳал қилиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида камчиликларни нафақат аниқлаш, айни пайтда уларнинг сабабларини таҳлил этиш ҳамда ечимини топишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, бу жараёнда дуч келинаётган камчиликлардан кўз юммай, самарали ҳал қилиш бўйича пухта таклифлар устида ишлаш ҳамда уларни амалга ошириш бугун давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш йўлида амалга оширилаётган ишларга тўхталадиган бўлса, қуйидагиларга эътибор қаратишни истардим. Фуқаролар йиғинларида тузилган жамоатчилик назорати гуруҳлари, жумладан Яраштириш комиссияси аъзолари хонадонма-хонадон юриб, одамларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларини ўрганмоқда. Ўрганиш давомида аниқланган масалаларни имкон қадар жойида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Мулоқотлар давомида таълим муассасалари, оилавий поликлиникаларда зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳоли турмуш даражасини оширишга тўсиқ бўлаётган камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф этишга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда.

Булар ўз навбатида Яраштириш комиссияси олдига қўйилган мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Маълумки, Яраштириш комиссиясининг мақсади фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир.

Бугун мамлакатимизда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган эзгу ғоя қоғозда эмас, балки амалиётда ўз исботини топиши ҳаётий заруратга айланди.

Маҳаллаларда мулоқотлар чоғида маҳалла аҳолисининг талаб ва истакларига алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этиш чоралари кўриляпти, мулоқотлар чоғида аҳоли томонидан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредит олишда кўмаклашиш, ёшларни ишга жойлаштириш, пластик карточкалар орқали савдо, тиббий хизмат, маҳалла кўчаларини ободонлаштириш ва бошқа кўплаб кундалик масалалар бўйича мурожаатлар жойида ечимини топяпти, шунингдек, кунлик ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш, маълумотларни умумлаштириш тизими амалиётга жорий этилган.

Инсоннинг ўз оиласида тинч ва ўзаро тотувлик, ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашиш, оилада эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона-келин, яқин қариндошлар, маҳаллада қўни-қўшнилар ўртасида учраб турадиган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ўзаро муносабатларни тиклаш орқали оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, қўни-қўшничилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ва ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш каби ижтимоий аҳамиятли вазифаларни амалга оширишда Яраштириш комиссиясининг ўрни ва таъсири каттадир.

Комиссия фуқаролар йиғини фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиши билан бир вақтда фуқароларни тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришда иштирок этишга жалб қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссияси фуқаролар йиғинининг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи, аниқ йўналиш бўйича иш олиб борувчи органдир.

Маҳалла фаоллари ва комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракати, кўмаги ва эътибори қанчадан-қанча бузилаётган оилаларга, тирик етим қолаётган болаларга асқотмоқда. Масалан: жорий йилнинг ўзида Тошкент шаҳридаги 505 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аъзолари томонидан 1622 та мурожаатлар ўрганилиб, улардан 1912 таси айнан оилавий муносабатлар юзасидан бўлиб, 756 та оилани сақлаб қолишга эришилди. Оилалар яна қайта тикланиб, хонадонларда соғлом муҳит яратилгани қувонарли.

Келинга ҳаётнинг пасту баланди, келинлик вазифалари нималардан иборатлиги, куёвга оиладаги мувозанат, тарозининг икки палласини тенг тутгандек ушлаши кераклиги, қайнонага эса келин ҳам фарзанд экани, яхши гап билан ўз йўриғига солиб, билмаганларини ўргатиши лозимлигини тушунтириш натижасида қанчадан-қанча оилалар қайта тикланиб, маҳалладаги намунали оилалардан бирига айланмоқда.

Маҳаллалар ва оилалардаги ҳамжиҳатлик ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилавий низоларни бартараф этиш, қўни-қўшнилар муносабатини яхшилаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш сингари қатор долзарб вазифалар комиссия аъзоларидан тадбирли бўлишни, мулоҳазакорлик билан иш тутишни талаб этади.

Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган ижтимоий муаммоларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан 3875 таси бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ўз навбатида оилалар мустаҳкамлиги, аҳоли ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва бирдамликни кучайтиришдаги хизматлари ҳудудлардаги осойишталикка, фаровонликка омил бўлади.

Шундай экан, мустақил диёримизнинг, маҳаллаларимиз, оилаларнинг тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимизнинг бахт-саодати, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оила, балки маҳалла-кўй олдидаги масъулият ва бурчимизни ҳам унутмаслигимиз зарур.

Омила АРИПОВА,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси

ГИЛАМЛАР НАҚШИДА МЕҲР МУЖАССАМ

Гиламдўзлик ҳақида гап кетганда Хива, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёнинг бири-биридан жимжимадор гиламлари кўз олдимизда гавдаланади. Шу ўринда азим пойтахтимизда ҳам турли-туман кўҳна ва замонавий гиламларни тўқишни йўлга қўйган касаначилар борлиги ҳақида эшитиб қувондик.

– Гилам тўқиш сирларини онам ўз даврида момосидан ўрганган, кейин менга ўргатди, – дейди Юнусобод туманидаги "Қашқар" маҳалласида яшовчи ҳунарманд Дилфўза Раҳмонова. – Эндиликда уларнинг гилам тўқиш анъанасини давом эттирмоқдаман. Гилам тўқишнинг ўзига хос нозик томонлари бор. Дастлаб ип йигирилиб, кейин пиёз, анор, ёнғоқ пўчоқларидан олинган табиий бўёқларда бўялади. Тўқилиш жараёнида нақшлари, чидамлилиги, пишиқлиги, ёрқинлигига эътибор қаратилади. Сўнгра ювиб, қирқилади. Тайёр бўлган нафис ва бежирим гиламларни кўрганимда, қалбим тоғдай кўтарилади. Айниқса, қизчаларга шу ҳунар сирларини ўргатаётганимдан мамнунман.

Дилфуза тўқиётган боғдагул, самовар, шахматнусха нақшли гиламлар нафақат юртдошларимизда, балки хорижлик саёҳатчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган кўргазмада иштирок этган гиламдўзнинг рангларга бой, жилокор гиламлари Франция, Эрон, Туркия, Афғонистон каби давлатлардан келган меҳмонларни ҳайратга солди. Улар кичик ўлчамдаги қоқма гиламчаларни Ўзбекистондан эсдалик сифатида харид қилдилар.

– Гиламлар турига қараб, пахта, зиғир толаси, қўй, туя жундан ёки ипакдан тайёрланади, – дейди Дилфўза. – Шунингдек, улар тўқима, тикма ва босма усулларда тайёрланади. Бизнинг гиламларимиз қўй жунидан тўқилади. Бунинг учун қўйнинг қирқилган жунларини ювиб, тозалаб, темир тароқларда тараб, ундан ип йигирамиз. Иплар ўсимликлардан тайёрланган бўёқларга бўялгани учун гиламлар ранги ўзгармайди ва ўзининг сифатини йўқотмайди.

Беихтиёр савол туғилади: кўринишидан чўғдек ловуллаб турувчи бу гиламларни тўқиш учун қанча меҳнат, қанча вақт сарфланади?

– Гиламдўзлик сабрни, катта меҳнатни талаб этадиган ҳунарлар сирасига киради, – дейди ҳунарманд. – Гиламга "ғужум", "хат", "ойна", "дуо", "қизгули", "калдарахт", "чилдирез", "қалпоқ", "тугма" деб номланувчи турли шаклдаги нақшлар солинади. Агарда уч киши биргаликда битта гилам тўқишга тушса, битириш учун 15-20 кун вақт кетади.

Эътиборлиси, гиламдўзлик ҳунари бугун кўпгина ёшларни ҳам қизиқтирмоқда. Ў кўшни қизлар учун тез-тез маҳорат сабоқлари ўтказиб, уларга янги-янги нусхаларни ўргатади. Ҳозирда уйида ташкил этилган гиламдўзлик тўгарагида ўнга яқин қиз бепул сабоқ олмоқда.

– Ҳар бир қиз бола учун ҳунарли бўлиш жуда муҳим, – дейди 14 ёшли Мадинабону. – Мен ҳам икки йилдан бери шу хонадонга келиб, устозимдан гиламчилик сир-синоатларини пухта ўрганмоқдаман.

Ҳунарманд қизлар тўқиётган гиламларга солинган нақшларда неча минг йиллик мозий мужассам. Нақшлар орасида кузатиладиган қуёш, ой, юлдузлар, умуман ўзига хос астрономик тасвирлари кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Демакки, миллий ҳунармандчиликнинг умри боқийдир.

Таъкидлаш жоизки, халқимизда пат, ипак, жун, кигиз гиламларнинг "Қўқон", "Бухоро", "Хива", "Қоши қора", "Чубранг", "Бахмал" каби кўплаб турлари бор. Ўзининг бетакрор нақшлари, бежиримлиги, табиийлиги ва сифати билан машҳур бўлган бу гиламлар азалдан санъат асарлари даражасида қадрланган. Шу сабаб саноат қанчалик ривожланмасин, дастгоҳда, қўлда тўқилган гиламларга талаб ва эҳтиёж катта.

Зиёда ВОҲИДОВА

ЭНГ МАҲОРАТЛИЛАР САРАЛАНДИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Энг яхши ёш ишчи касб эгаси" танлови мамлакат босқичининг "Сартарошлик ва декоратив косметика устаси", "Миллий ва бадиий либослар модельери" ҳамда "Ошпаз" номинациялари бўйича ғолиблари аниқланди.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари Касаба уюшмаси республика кенгаши раиси У.Муҳамедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун яратилган шароитлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

"Сартарошлик ва декоратив косметика устаси" номинацияси бўйича Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Отабек Маҳкамов, "Миллий ва бадиий либослар модельери" номинациясида Наманган шаҳридаги савдо ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Наргиза Мамажонова, "Ошпаз" номинацияси бўйича Навоий кончилик коллежи ўқувчиси Умида Зокирова биринчи ўринни қўлга киритди.

(ЎзА)

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларидаги ошхоналарни ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2017 йил 10 июндан бошлаб 10 июль соат 18:00 га қадар Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган махсус моддий-техник базаси (замонавий технологик жиҳозлар), озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, талабгорлар томонидан муҳрланган (агар муҳр мавжуд бўлса) конвертда танлов комиссиясига тақдим этилади:

– умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотнома;

– маҳсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

– бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

– талабгорларнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

– талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар;

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларини ижарага бериш тўғрисидаги рўйхат ва муассасаларнинг манзиллари

№	Таълим муассасалари номи	Ошхона ёки буфет	Таълим муассасасининг жойлашган манзили	Иш телефони
1	Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи	Буфет	Бектемир тумани, Роҳат кўчаси, 29-уй	295-67-41, 295-67-42
2	Тошкент Давлат техника университети қошидаги 3-сон академик лицей	Ошхона	Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 54-уй	265-06-54, 265-06-55
3	М.Улуғбек технологик касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1, Миллбулоқ кўчаси, 1-б-уй	265-98-54, 265-98-53
4	В.Успенский номли Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи	Ошхона	Мирзо Улуғбек тумани, Тараққиёт кўчаси, 71-уй	233-74-42, 233-15-87
5	Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежи	Буфет	Мирзо Улуғбек тумани, Катта Дарвон кўчаси, 6-уй	268-99-25, 268-99-24
6	Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 7-уй	233-07-85
7	Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Мирзо Улуғбек тумани, Теплосжид кўчаси, 4-уй	262-63-32, 262-84-41
8	Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи	Буфет	Мирзо Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 82-уй	260-17-43, 260-17-41, 260-17-45
9	Тошкент саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, Шаҳробод кўчаси, 3-сектор	262-65-03
10	Олмазор енгил саноат касб- ҳунар коллежи	Буфет	Олмазор тумани, Олмазор кўчаси, 313-уй	240-54-49
11	Олмазор политехника касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Олмазор тумани, Камарнисо кўчаси, 1-уй	248-83-70, 246-74-16
12	Тошкент тиббиёт коллежи	Буфет	Олмазор тумани, Қора-Камиш 1 кўчаси, 17а-уй	229-72-15, 229-72-14
13	Тошкент Давлат аграрошунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи	Ошхона	Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй	248-41-42, 248-02-71, 228-09-33
14	Тошкент Молия институти қошидаги 2-сонли академик лицейи	Буфет	Олмазор тумани, Мойқўрғон массиви, Хусниқор кўчаси, 5-уй	227-92-71, 227-92-73
15	Сергели политехника касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Сергели тумани, Қанора кўчаси, 44-уй	257-71-73, 258-46-22, 257-71-78
16	Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Сергели тумани, Қўйлиқ 5-массиви, Ким Пен Хва кўчаси, 50-уй	290-19-81, 290-60-09
17	Сергели саноат касб-ҳунар коллежи	Буфет	Сергели тумани, Лутфикор кўчаси, 2-мавзе, 64а-уй	257-74-16, 257-74-57
18	Сергели енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи	Буфет	Сергели тумани, Лутфикор кўчаси, 33-уй	258-09-12
19	Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Учтепа тумани, Маънон Уйғур кўчаси, 485-уй	247-79-32, 247-75-71
20	Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейи	Буфет	Учтепа тумани, 11-мавзе, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 61-уй	276-86-78, 276-86-37
21	Чилонзор радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Чилонзор тумани, Катта Қозғон кўчаси, 52-уй	216-76-16
22	Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Чилонзор тумани, 20-мавзе, 35а-уй	216-21-74, 216-38-54, 216-13-52
23	Тошкент педагогика коллежи	Ошхона	Чилонзор тумани, Мукимий кўчаси, 184-186-уй	278-55-64, 273-04-11
24	Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Чилонзор тумани, 19-мавзе, 411-уй	216-42-90, 216-52-78, 216-46-73
25	Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи	Ошхона	Зангиота тумани, У.Юсупов кўчаси, 1-уй	270-56-17, 270-56-31
26	Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейи	Ошхона	Чилонзор тумани, М.Гофуров кўчаси , 183-уй	245-22-64, 245-44-59
27	Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи	Буфет	Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 45-уй	241-40-13, 241-52-94
28	Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи	2-ошхона	Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уй	244-11-55, 241-12-48
29	Тошкент матбаа-ноширлик касб-ҳунар коллежи	Буфет	Шайхонтоҳур тумани, Ҳамид Раҳматуллаев кўчаси, 3-уй	244-60-50
30	Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 10-уй	218-59-93
31	Тошкент телекоммуникация технологиялари касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 9-уй	222-87-90
32	Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи	Ошхона	Юнусобод тумани, 14-мавзе	223-58-53
33	Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Ошхона	Юнусобод тумани, Халқобод 2-тор кўчаси, 4-уй	235-87-54, 235-86-94
34	Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Буфет	Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй	260-28-16, 269-17-21, 262-00-73
35	Тошкент Молия институти қошидаги молия академик лицейи	Ошхона	Юнусобод тумани, Зарбулок кўчаси, 14-уй	289-00-63, 289-04-26, 289-10-66
36	Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Буфет	Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 8-уй	250-98-04
37	Республика эстрада-цирк коллежи	Буфет	Яккасарой туманы, Шота Руставели кўчаси, 68-уй	253-47-42, 253-62-21
38	Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежи	Ошхона	Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 105-уй	250-06-96, 250-54-99
39	Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-сон академик лицейи	Ошхона ва буфет	Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй	252-77-52

Танлов ўтказиш юзасидан туман танлов комиссияси билан келишган ҳолда танловни ўтказиш куни белгиланади. Танловда қатнашувчи талабгорлардан ҳужжатлар Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади.
Манзил: Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.
Телефонлар: 252-77-82, 252-77-81







КИТОБХОН ТАЛАБАЛАР ТАНЛОВИ

Ёшларнинг китобга бўлган эътиборини янада ошириш, уларнинг дунёқараши, фикрлаш доирасини кенгайтириш, ижодий салоҳиятини юксалтириш ва рағбатлантириш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари ўртасидаги "Энг фаол билимдон китобхон" кўрик-танлови ташкил этилди.

Танловнинг қуйи босқичларида китобхон ёшлар жаҳон ва ўзбек адабиётига тегишли 500 га яқин асар мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларини синовдан ўтказди. Финалга чиққан жамоаларни бадиий асар муаллифи, китобнинг қисқача аннотацияси, монолог айтиш, иқтибос келтириш, мазмунга мос видеоролик танлаш, кичик саҳна кўриниши, ҳамкорликда ишлаш каби шартлар бўйича Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Камолот ЁИҲ каби ташкилотлар вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

– Университетимизда китобхон талабалар ўртасида ташкил этилган кўрик-танловни кузатиб борган киши ёшларнинг китобга эътибори ошаётганини сезади, – дейди ЎзА мухбирига корпоратив бошқарув факультети талабаси Муроджон Мухторов. – Танловда жамоалар томонидан Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий", Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" каби асарлари асосида тайёрланган ижодий тақдимотлар катта таассурот қолдирди. Маънавий меросимизнинг бебаҳо намуналари бўлган бу асарларни яна бир бор ўқиб чиқиб, мағзини чақдим.

Танлов ғолиблари тақдирланди.

Малоҳат ҲУСАНОВА

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган А.П. Хлебушкина номидаги 22-сонли меҳрибонлик уйида "Ҳар бир болага меҳр улашайлик" деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР УЛАШАЙЛИК

Ушбу тадбир Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан уюштирилган бўлиб, унга мазкур меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари, мутасадди ва жамоат ташкилотлари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Чилонзор туман ҳокими Даврон Ҳидоятов, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Абдураҳмонова, 22-сонли меҳрибонлик уйи директори Шаҳри Бердиева ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида бундай масканларда тарбия олаётган фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари, ўқиш ва спорт билан шуғулланишлари ҳамда келажакда она Ватанимизга сидқидилдан хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилгани, қолаверса, бу каби хайрия тадбирларини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мунтазам ўтказиб туриш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

– Ҳозирда меҳрибонлик уйимизда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 110 нафар бола тарбия топмоқда. Тарбияланувчиларнинг билим олишлари, ҳунар эгаллашлари, спорт билан шуғулланиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шароитлар яратилган. Болалар доимо малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Айниқса, кутубхонамиз ўғил-қизлар билан тўла. Бу албатта, биз тарбиячилар учун қувонарли ҳол, – дейди 22-сонли меҳрибонлик уйи директори Шаҳри Бердиева.

Шодиёнада Чилонзор туман "Баркамол авлод" болалар маркази, "Аладдин" ва "Байрам" гуруҳлари, 188-мактаб ўқувчиси Муқаддас Пўлатова ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўзлари тайёрлаган бадиий ва мусиқий чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Байрам тадбири якунида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳомийлар томонидан совғалар топширилиб, улар учун байрамона дастурхон тузалди. Тадбир ўзининг юксак савияда ўтганлиги билан болажонлар қалбига қувонч бахш этди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, халқимизда "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган пурмаъно мақол бор. Шундай экан, тақдир тақозоси билан бундай масканларга келиб қолган ўғил-қизларимиз тўғрисида қайғуриш, уларнинг келажаги ҳақида ўйлашга барчамиз масъулмиз.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

"101"

ЎҚУВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Ёз фаслининг энг жазирама дамларида соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишлари энг қизиқарли жараёнга айланади.

Албатта, ҳар бир дам олиш маскани болаларни қабул қилиш учун пухта тайёргарлик кўради. Оромгоҳлар маъмурияти болаларнинг дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш билан кифояланиб қолмай, балки ҳордиқ даврида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслигининг олдини олишга катта аҳамият қаратадилар. Шу ўринда оромгоҳларда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бирга ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш айниқса муҳим аҳамиятга эгалигини унутмаслик лозим.

Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш чоғида кўпинча майда камчиликларга эътибор берилмай қолади. Агарда бу ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласига бориб тақаладиган бўлса, асло лоқайдлик қилиб бўлмайди. Чунки кичкинагина носозлик ва эътиборсизлик учқун чиқишига олиб келиб, катта ёнғинга сабаб бўлади.

Болаларнинг дам олиш мавсуми давомида Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ёнғинларнинг содир бўлишига йўл қўймаслик мақсадида режалар тузилиб, бир қатор чора-тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ҳозирги кунга қадар режа талабларини бажариш ҳамда дам олиш оромгоҳларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиб чиқиш мақсадида Ёнғин назорати ходимлари томонидан болалар оромгоҳларининг "тилсиз ёв"га қарши ҳолати тўлиқ текшириб чиқилди. Текширувлар жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш бўйича оромгоҳлар мутасаддиларига асосли таклифлар киритилди ва уларни ўз вақтида бажарилиши қаттиқ назоратга олинмоқда.

Султон ГАНИЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
12-ҲЁХО 3-ҲЁХ алоҳида пост
кичик инспектори, кичик сержант

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Фалокат оёқ остида, дейди доно халқимиз. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик қанчалар ачинарли ҳолатларга олиб келади. Бундан ташқари мол-мулк, балки инсонларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўяди.

Ёнғин содир бўлган хонадон вайронага айланади, уйдан файз-барака учади. Ачинарлиси, бир инсон ёки кичкинтой гўдак ушбу оловда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолади ёки қурбонга айланади. Кимнингдир бепарволиги оқибатида бир неча дақиқаларда катта ёнғин ҳосил бўлади. Уни даф этиш учун ёнғин ўчирувчилар ҳамиша шай бўлиб турадилар.

Биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларингизни ёлғиз қолдирманг. Келажагимиз бўлмиш азиз фарзандларимизни олов дастидан бир умрга ногиронга айланишига ёки мурғак умри зомин бўлишига йўл қўйманг!

Комронбек ДЖУРАЕВ,
12-ҲЁХО 11-ҲЁХ алоҳида пости бошлиғи,
капитан

Спорт янгиликлари

ИККИ ТЕННИСЧИМИЗ ФИНАЛ УЧУН КУРАШДИ

Қозоғистонда қизлар ўртасидаги теннис турнирининг ярим финалида уч нафар ўзбекистонлик теннисчи иштирок этди.

Икки фамилиядош – Юлия ва Олеся Ким ўртасидаги беллашув кўпчиликнинг эътиборида бўлди. Рақибасига нисбатан тажрибалироқ бўлган Юлия Ким 6:1, 6:4 ҳисобида зафар қучиб, финалга чиқди.

Иккинчи ярим финалда истеъдодли теннисчимиз Милана Масленкова мезбонларнинг энг кучли вакиласи – биринчи рақамда сараланган Жибек Куламбаевага 3:6, 1:6 ҳисобида имкониятни бой берди.

Ярим финалда бир бири билан тўқнашган Милана ва Жибек жуфтлик беллашувларида бирга ўйнаб, бош совринга эга бўлди. Бу дуэт ҳал қилувчи беллашувда россиялик Анна Чеканская ва Дарья Красновани 6:1, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Вьетнамда таэквондонинг керуги ва пумсе йўналишлари бўйича кадетлар ўртасида Осиё чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

Мазкур турнирда қитъамизнинг 18 давлатидан спортчилар иштирок этди. Сабир Назаралиев бошчилигидаги терма жамоамиз ҳам беллашувларда муваффақиятли қатнашишди.

Керуги йўналиши бўйича 33 килограмм вазн тоифасида Даниил Ким Корея вакилига 20:25 ҳисобларида имкониятни бой бериб, бронза медали билан чекланган бўлса, 59 килограммда Ирода Миртожиева Вьетнам вакиласидан 16:37 ҳисобларида устун келиб, учинчи ўринни эгаллади. +59 килограммда эса Ксения Смирнова ҳам бронза медали билан тақдирланди.

Пумсе йўналиши беллашувларининг биринчи кунида Ирода Умрзақова олтин, Айнур Умрзақов, Исломбек Ражабов яккалик, Ирода Умрзақова ва Исломбек Ражабов жуфтлик қарама-қаршиликларида бронза медалларини қўлга киритишди. 45 килограммда кадетлар ўртасида Азизбек Раҳмонбердиев шоҳсупанинг энг юқори погонасидан ўрин олган бўлса, 41 кгда Севинч Муминова учинчи ўрин билан чекланди.

БОКСЧИМИЗГА ШАРТНОМА ТАКЛИФ ҚИЛДИ

Профессионал бокс жангларининг телетрансляция бутун жаҳонда миллионлаб спорт мухлисларини жалб қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу боксчиларни бутун дунёга танитиши табиий ҳол, албатта. АҚШнинг "Showtime" телеканали ўзбекистонлик нокаутчи Шоҳжаҳон Эргашевнинг жангларини намойиш қилиш учун боксчимизга шартнома таклиф қилди. Маълумотларга қараганда, ҳамюртимиз бешта жанг учун шартнома тузган.

"Showtime" телеканали нуфузли оммавий ахборот воситалари фақатгина юқори рейтингларни қўлга киритишга қодир, миллионлаб мухлислар эътиборини қозона оладиган боксчилар билан шартнома қилади.

Хусусан, бу телеканал ўз вақтида Майк Тайсон, Флойд Мэйвезер ва Константин Цзю каби ўзбек бокс мухлисларига яхши таниш бўлган чарм қўлқоп усталари билан ҳам шартнома имзолаган.

Шоҳжаҳон Эргашевнинг АҚШда бошланаётган фаолиятига ҳам муваффақият тилаймиз!

Ботир ХЎЖАЕВ

Реклама ва эълонлар

Шайхонтоҳур туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Шайхонтоҳур туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2017 йил 10 июндан бошлаб 10 июль соат 18:00 га қадар Шайхонтоҳур тумани, Марказ 14, 17а-уй ШТХТМФМТТЭ бўлимида қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси (замонавий технологик жиҳозлар), озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танлов 2017 йилнинг 14 июль куни соат 16:00 да Шайхонтоҳур тумани, Марказ 14, 17а-уй (Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бошланади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан shayxontohur@uzedu.uz сайти орқали танишишингиз ва (99871) 244-65-03 телефонлари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилаётган Шайхонтоҳур туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари

№	Мактаб рақами	Мактаб манзили
1	13	С.Дарбоза кўчаси, 184-уй
2	82	Чорсу даҳаси, 1а-уй
3	84	Бунёдкор шоҳ кўчаси
4	85	С.Дарбоза кўчаси, 103-уй
5	92	Тинчлик 3-тор кўчаси
6	141	Шерозий кўчаси, 43а-уй
7	157	М.Обид кўчаси, 3-уй
8	316	Бел тепа мавзеси
9	320	Жарариқ мавзеси

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 18-20, кундузи – 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9219

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 635

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ